

5

АРХИТЕКТОР,
БОШ РЕЖА, ЛОЙИХА...

шахарсозлик соҳасининг асосий устунлари



6-7

“ҲАПАЛАК”НИ
КИМ ЁЗГАН?

ёхуд мактаб
дарслекларидағи
айрым қалкашлар
хусусида



13

МАРАДОНА «МАШЬАЛ»ДА
ТҮР СУРАДИ...



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Нашр индекси - 131

ЖАМИЯТ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

www.jamiyatgzt.uz

2007 йил 13 апрель № 15 (28)

2006 йил
31 августдан
чоп этила
бошлаган

Газетанинг чакана
савдода белгиланган
нархи – 190 сўм

ЭЛ СОҒЛИГИ – ЮРТ БОЙЛИГИ



Бу нақлда олам-олам маъно бор. Зеро, ҳозир энг олис қишлоққа ўйлингиз тушса ҳам соғлигингиздан асло хавотирланмайсиз. Чунки айни пайтда мамлакатимизда уч мингдан ортиқ қишлоқ врачларини пункктлари фаолият кўрсатадиги. Улардаги ташхис кўшиш, даволаш жиҳозларига қараб, ҳайратингиз ошади. Барни замонавий ва энг сўнгги русумда... Бинобарин, мамлакатимизда соғлиқни сақлаша тизимиғига ажратилаётган бюджет маблаблари 480,8 миллиард сўмни ташкил этди.

Энинге бардамлигини кўриб, кўнглигиз равшан тортади. Бу – соғлиқни сақлаша тизимиғидаги амалга оширилган ислоҳотлар самараси, бу – Истиқлол шарофати, бу – бизнинг забт этган яна бир довонимиздир.

>>> 2-саҳифада

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҶЕАЛАРИ

■ Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 апрель куни Оқсанорда Европада хавфисизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (EXХТ) амалдаги раиси, Испания Қироллиги ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель Ахнел Моратиносни қабул қилди. Суҳбат чорига Узбекистон билан EXХТ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг аҳволи ва истиқболлари муҳоддамига этилди.

■ 9 апрелда Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Республика хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг «Мехр» бирлашмаси ўзаро ҳамкорликда «Оммавий ахборот воситалари ва Гендер тенглиги» мавзуида анжуман ўтказди.

■ Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Ҳалқ Республикаси спорт вазири, Миллий олимпия қўмитаси президенти, 2008 йили Пекин шаҳрида ўтказиладиган XXIX ёзи Олимпиада ўйинлари ташкилий қўмитаси ижроочи президенти Лю Пэн раҳбарлигидаги делегация 10 апрель куни Узбекистон маданият ва спорт ишлари вазири, Миллий олимпия қўмитаси раиси Рустам Курбонов билан учрашиди.

■ «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида» – ги Узбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни 12 апрелда расмий эълон қилинди. Ушбу қонунга биноан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларга қатор ҳуқуқий имкониятлар яратилди. Янги қонун 2008 йил 1 январдан кучга киради.


Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки ўйлариданоқ соглиқни сақлаш тизимиши ислоҳ қилишга устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилган эди. Шу мақсадда кенг кўламли дастур ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошланди. Бугунги кунда ҳам соглиқни сақлаш тизимиши ислоҳ қилиш дастури ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Умиди БОЯЛИЕВА

КЕЙИНГИ йилларда мамлакатимизда кўплаб янги тиббиёт иншотлари куриди, мавжуд тиббиёт муассасалари эса тубдад таъмиранома. Тиббиёт ходимларининг иш ҳақлари тобора ошмоқда. Бундай эътибор ҳақимиз саломатлигини мухофаза килишида, тиббиёт хизмат сифати ва ахолининг тиббий маданиятини янада юксалтиришда мухим аҳамият касб этагайти.

Яқинда Россиянинг «Интерфакс» ахборот агентлиги Ўзбекистон соглиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган испохтларнинг аҳамияти ҳақида хабар тарқатди. Унда мамлакатимиз соглиқни сақлаш тизимига ахратаётган бюджет маблаглари ҳажми йил сайн кўпаяётгани эътироф килинади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров бу борадаги кўрсаткич 1999 йилга нисбатан 7,4 баробар ошгани ва 480,8 миллиард сўмни ташкил этганини таъкидлайди, деба беради «Интерфакс».

Таъкидлаш жоизки, биргина ўтган йилда давлат бюджети маблаги ҳисобидан тиббиёт муассасаларини замонавий техника билан жиҳозлаш учун 6,5 миллиард сўмдан зиёд маблаг ахратилган. Бундан ташқари, давлат бюджети ҳисобидан тиббиёт муассасаларни капитал таъмиранлаш ишларига 8,65 млрд. сўм маблаг сарфланган. Республикамизда тўртта ихтиослаштирилган марказ — хирургия, кардиология, микрохирургия ҳамда урология марказлари очилди. Юртимизда Соғлиқни сақлаш вазирилиги томонидан тизимга



Биргина ўтган йилда давлат бюджети маблаги ҳисобидан тиббиёт муассасаларни замонавий техника билан жиҳозлаш учун 6,5 миллиард сўмдан зиёд маблаг ахратилган. Бундан ташқари, давлат бюджети ҳисобидан тиббиёт муассасаларни капитал таъмиранлаш ишларига 8,65 млрд. сўм маблаг сарфланган.

**«Соғлом авлод учун»
халқаро жамғармаси
Сирдарё вилоят
минтақавий филиали
вилоят нефть
маҳсулотлари унитар
корхонасидан ҳар
томонлама қулалилкка
эга бўлган ва керакли
жиҳозлар билан
таъминланган бинони
тухфа сифатида қабул
қилиб олди.**

Норкул МАМИРОВ

БУ эса жамғарманинг оила, оналини мухофаза килиши, болаларни согломлаштиришга қаратилган дастурларни бажариш ҳамда маданий ва маърифий тад-

ЎЗБЕКИСТОН

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ

Дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилмоқда

да. Биргина ўтган йилда Маргилон шаҳри, Бухоро вилоятининг Пешку ва Коракўл туманларида тиббиёт коллежлари курилиб, ишга туширилди.

Айни пайтда республикада уч мингдан ортиқ қишлоқ врачларини пункларни фаoliyat кўрсатаяпти. Уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий тиббий жиҳозлар ва усуқнапар билан таъминлаш, шифокорларнинг малака ва маҳоратларини юксалтириш ҳам доимий эътиборда.

Тиббиётдаги ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан яна бири тиббий хизмат сифатини ошириш учун ташкилий ва амалий шароитлар яратиши, жамиятда тиббиёт ходимлари мавкеини янада кўтаришдан иборатидир. Шу мақсадда тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳам тўлашнинг такомиллаштирилган тизими ва улар меҳнатини рағбатлантиришнинг янги тартиби жорий этилди. Натижада 2006 йилни январ ойидан бошлаб тиббиёт ходимлари иш ҳақлари 2005 йилнинг январ ойидан таъминланганда 6,8 миллиард сўм сарфланди.

Соглиқни сақлаш тизимида эришилаётган ютуклар орасида республикамизда сўнгти ўн йил мобайнинда умумий ўлим дарахаси 22 фойзга, болалар ўлими кўрсаткичи 68 фойзга, онапар ўлими кўрсаткичи эса 38 фойзга камайгани ҳам дунё жамоатчилигининг эътиборидан четда колаётгани ўй.

Мамлакатимизда тиббий инфратузилмларни ривожлантириш, айниска, қишлоқ жойлардаги тиббий хизмат сифатини янада оширишида мутахассисларнинг 32 544 нафари амбулатория шароитида шифо топди. Бундан ташқари, ўтган йил давомидан ижтимоий аҳамиятга эга

жалб этилаётган хорижий инвестииция маблаглари ҳисобига 10 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Республикамизда яшовчи 6 миллиондан зиёд фуқаро ҳар йили давлат томонидан кафолатланган белуп шошилинг тиббий хизмат кўрсатилиши. Шу ўринда мамлакатимизда пенсионерлар, ногиронлар ва ёлғиз кариёларга кўрсатилётган фамхўрлики эътироф этиш жоиз. Республика тиббий реабилитация ва терапия илмий-текшириш институтлари ва уларнинг филиаларида ижтимоий мухофазага муҳтоҳ 2500 фуқаро белуп даволанди. Пенсионерлар, ногиронлар ва ёлғиз кариёларнинг 32 544 нафари амбулатория шароитида шифо топди. Бундан ташқари, ўтган йил давомидан ижтимоий аҳамиятга эга

САҲОВАТ ВА ШИЖОАТ

бирлар ўтказиш, иқтидорли болаларни қўллаб-кувватлаш, айни пайтда худуддаги маҳалланинг 4 мингдан зиёд аҳолисини тиббий ва ижтимоий мухофаза қилиши учун шароит яратди.

Жамғарма ўтган муддат мобайнида катор ибратли ишларни амалга ошириди. Жумладан, Хомийлар ва шифокорлар йилида Гулистон автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармаси, Сирдарё шаҳар йўл хўжалиги корхонаси, Гулистон нефть маҳсулотлари унитар корхонаси каби ўнлаб корхоналар ишчи-хизматчиликарини ва вилюятнинг чекка қишлоқларида 11 минг нафарга яқин аҳолини тиббий кўридан ўтказди. 1629 оиласга 1057 кути дори-дармон ва гигиеник восита-

лар ва болалар озуқаси тарқатиди. Вилюятнинг чекка қишлоқларида, айниска, Сардоба, Оқолтин, Бойёвут туманларида камътимланган, ижтимоий химояга муҳтоҳ оиласлар белуп тиббий кўридан ўтказилиб, уларга дори-дармонлар берилди.

Шунингдек, 17 нафар тарұма лабтанглайда нұксони бор болалар жамғарма томонидан Тошкент тиббиёт академиясинин клиникаларида белуп жаррохлик амалиётидан ўтказилиб. Сирдарё туманидаги Муруват уйи тарбияланувчиларини согломлаштириш мақсадида Жамғарма хомийлигига «Zeromat G» компанияси томонидан 3 миллион сўмлик спорт анжомлари, ўйинчоклар тухфа этилди.

Жамғарма томонидан болалар

үртасида турли кўрик-танловлар ўтказиш анъана га айланган. «Биз тинчликни истаймиз», «Асфальтга расм чишиш» каби кўрик-танловларда ўзга яқин ногирон болалар иштирок этиб, ўз иқтидорларини намойиш этдилар. Иштирокчиларга жамғарма томонидан турли хил совғалар топширилди, байрам дастурлари намойиш этилди.

Ўқсик қалбларга малҳам бўлиш, бизнинг асосий вазифамиз, — дейди жамғарма директори Олтинон Эсонова. — Айни кунларда жамғарма шифокорлари томонидан маҳаллалар худудидаги камътимланган, ижтимоий химояга муҳтоҳ оиласлар, уларнинг фарзандлари тиббий кўридан ўтказилиб, дори-дармонлар тарқатилаяпти.

**Учничи
сектор**

АЁЛГА ЕЛКАДОШ, ЗАМОНГА ҲАМНАФАС

**Фарғона вилоятининг
Бағдод шаҳарчасидаги
«Янги ҳаёт» мавзесида
тоза ичимлик суви муам-
моси мавжуд эди. У ерда
400 га яқин хонадон бор.**

**«Аёл ва замон» маркази
тегиши давлат идоралари
ва мутахассислар
 билан ҳамкорликда ушбу
 масалани чуқур ўрганди.**

**Сўнг бу ерда артезиан
қудуги қазиш ва ичимлик
суви тармоғини тортиши
бўйича лойиҳа тайёрлан-
ди. Ҳужжатлар Япония-
нинг мамлакатимиздаги
элчихонаси томонидан
эълон қилинган «Кичик
ҳажмдаги ижтимоий
войиҳаларга бегараз
ёрдам дастури» бўйича
ташловга топширилди.
Натижада ушбу лойиҳа
учун 60 миллион сўмлик
грант ажратилди.**

Беҳзод ШУҚУРОВ

ЎТГАН йилнинг апрель ойида артезиан кудуги қазиш ишлари бошлаб юборилди. Тўрт ойлик меҳнатдан сўнг 250 метр чукурликдан сув чиқди. Унинг истеъмолга яроқлилиги текширилиб, тегишли сертификат ҳам олинди. Оти минг уч юз метр полизтилен кувурлар ётқизилиб, ичимлик суви тармоғи тортилди. Ватанимиз Мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида эса ушбу обьект тўлиқ фойдаланишга топширилди. Унинг узоқ муддат бенуқсон ишлашини назорат қилиш, сув исроғарчилигининг олдини олиш максадида жамоатчилик асосида сув қўмитаси ҳам тузилди. Маҳалла аҳли хурсанд. Тозалик, озодалик, саронжом-саришталик ўз ўрнига тушди. Бу «Аёл ва замон» маркази иштирокида олиб борил-



Ган хайрли ишлардан биргинаси,
холос...

**Мамлакатимиз кучли давлат-
дан кучли жамият сари илдам
одимламоқда. Бу эса жамоатчи-
лик ташаббусларига кенг имконият
яратади. Яны юзага келган
муаммоларни бартараф этиши
борасида жамоатчилик ўз таш-
аббусини илгари сурса, давлат
органдари бу борада ташкилий-
хукукий шарт-шароит яратиб
берса, ҳомийлар ўз маблағларини
жалб этса — шу орқали ижтимоий
ҳамкорлик юзага келади. Натижада ҳар қандай масала ўз
ечимини топади.**

— Марказнинг асосий мақсади
— қишлоқ аёллари ва ёшларининг
ташаббусларини кўллаб-куватлаш-
дир, — дейди унинг раҳбари, ҳалқ
депутатлари Бағдод туман Кенга-

ши депутати Фотима Ҳалимова. —
Уларнинг хукукий, иқтисодий би-
лимларини, маънавий ва интеллек-
туал салоҳиятини оширишга кўмакла-
шиш, ҳалқ хунармандчилигини
ривожлантириш орқали оиласвий
бизнесни йўлга кўйишни оммалаш-
тириш, фуқароларнинг ижтимоий
фаолигини кучайтириш ҳам мухим
йўналишларимизга киради. Мар-
казимиз ўз фаoliyatinini қишлоқ
аёллари ўртасида тадбиркорликни
ривожлантиришга кўмаклашиш
билан бошлади. Туман меҳнат ва
аҳолини ижтимоий муҳофаза
килиш бўлими билан ҳамкорликда
30 нафар қизни уч ойлик курсларда
тикувчилик, каштачилик, қандол-
атчилик хунарларига ўргатдик.
Уларга ўз қичик бизнесларини
йўлга кўйиш борасида тавсиялар
бердик...

Марказ раҳбари таъкидлагани-
дек, бу ҳали фаoliyatinинг бошла-
ниши эди. Шундан сўнг аёллар
ҳамда ёшларнинг тадбиркорлиги,
ташаббусларини кўллаб-куватла-
ш, рағбатлантиришга қаратилган
кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда. «Маҳалла — бизнинг
умумий уйимиз», «Фуқаролик би-

юштирилдиар.

Жамғарма вакиллари ва
маҳалла ҳамда қишлоқ фуқаролари
иғинлари фаолиятини оширишга
көзигаради. Унда туман хотин-
қизлар қўмитаси, маънавият тарғиботи
фаоллари иштирок этдилар. Ҳусусан,
аждодларимизнинг маънавий мероси ва қиз-
ларни турмушга тайёрлаш, никоҳ шартномаси, маҳалла
ва оиласвий муносабатлар борасида фикр-мулоҳа-
запар билдирилди.

лимларини кенгайтириш»,
«Кишлоқ аёллари XXI асрда» каби
ўндан ортиқ лойиҳа устида иш-
лаб, ҳалқаро ва маҳаллий фонд-
лар эълон қилган танловлар фоли-
би бўлди.

— Мамлакатимиз кучли давлат-
дан кучли жамият сари илдам
одимламоқда, — дейди Фотима Ҳалимова. — Бу эса жамоатчилик
ташаббусларига кенг имконият
яратади. Яны юзага келган му-
аммоларни бартараф этиши бора-
сида жамоатчилик ўз ташаббуси-
ни илгари сурса, давлат органла-
ри бу борада ташкилий-хукукий
шарт-шароит яратиб берса, ҳомийлар
ўз маблағларини жалб этса — шу орқали ижтимоий ҳам-
корлик юзага келади. Натижада ҳар қандай масала ўз ечимини то-
пади.

Марказ томонидан шу кунгача
ўтказилган семинарларда ушбу
механизмларни яратиш ва амал-
га тадбик этиши юзасидан таклиф-
лар ишлаб чиқилди. Бу борада ҳалқ
депутатлари Бағдод туман
Кенгашининг Ижтимоий масалалар,
оила, аёллар ва ёшлар доимий
комиссияси билан биргалик-
да қатор ишларни амалга ошири-
моқда. Ҳамкорликнинг амалий на-
тижаси айни пайтада Хўжа қишло-
ғининг «Янги» маҳалласини иж-
имлик суви билан таъминлаш юза-
сидан лойиҳа тайёрлашда намо-
ён бўлмоқда.

Шунингдек, «Аёл ва замон» мар-
кази Ўзбекистон Нодавлат Нотижада
ташкилотлари миллий ассоциациясининг «Ахборот ресурс марказ»-ларини ташкил қилиш
войиҳаси бўйича грантини кўлга
киритди. Ушбу лойиҳа шу йил бо-
шидан Фарғона вилоятида амал-
га оширилаяти. Нодавлат ноти-
жада, жамоат ташкилотлари ва
кам таъминланган фуқароларга
интернет тизими, «Норма» қонун-
чилик базаси ва ахборот масла-
ҳат базасидан бепул фойдаланиши
имконияти яратилган. Турли
худудлардаги НИТ ўртасида ўзаро
мулоқот боғлаш фаолияти йўлга
кўйилди.

Айни кунларда «Аёл ва замон»
маркази маҳаллий «Бағдод» телеви-
дениеси орқали 20 февралдан
1 апрелгача туман ҳалқ таълими
бўлими «Камолот» ёшлар ижтимоий
харакати туман кенгаси, «Бағ-
доддонномаҳсулотлари» очиқ акция-
дорлик жамияти билан ҳамкорлик-
да «Энг яхши гоя», «Энг яхши та-
шаббус», «Энг яхши лойиҳа»
қўрик-танловларини эълон қилди.
Бундан кўзланган асосий мақсад
ғоялар, лойиҳалар бозорини таш-
кил этиши ва уларга ҳомийлар маб-
лағларини жалб этиб, янада
кўпроқ хайрли ишларни амалга
оширишдан иборат.

МИЛЛИЙ ФОЯ

халқ бирлиги кафолати

катар қишлоқларда бўлиб,
«Ижтимоий химоя йили»
Давлат дастури ҳамда
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг «Миллий
фоя тарғиботи ва маънавий-
мавзифий ишлар самара-
дорлигини ошириш тўғри-

сида»ги қарорининг аҳамияти,
карор ихроси юзасидан амалга оширилётган
ишлар, шунингдек, ҳалқи-
мизнинг бебаҳо тарихий-
маданий меросини асрраб-
авайлаш мавзусида учра-
шувлар, давра сұхбатлари

педагогика колледжидаги ҳам
«Оила — муҳаббат қасри»
мавзуида давра сұхбати
бўлиб ўтди. Унда туман хотин-
қизлар қўмитаси, маънавият тарғиботи
фаоллари иштирок этдилар. Ҳусусан,
аждодларимизнинг маънавий
мероси ва қизларни турмушга тайёрлаш,
никоҳ шартномаси, маҳалла
ва оиласвий муносабатлар борасида фикр-мулоҳа-
запар билдирилди.

Анжуман
арафасида

МАТБУОТИНИГ ЭЗГУ СЎЗИ

**Кейинги пайтларда
мамлакатимиз миқёсида
жадал суръатларда олиб
борилаётган ислоҳотлардан кўзланган олий
мақсадимиз — инсонинг барча ҳақ-хуқуқлари
кафолатланган фуқаролик жамияти қуришдир.
Фуқаролик жамияти қуришишида эса оммавий
ахборот воситаларининг алоҳида ўрни ва роли
бор. Фуқаролик жамиятида оммавий ахборот
воситалари жамиятнинг ўзига хос кўзгуси
сифатида аҳолининг ҳамда турли ижтимоий
гуруҳларнинг қайфияти, талаб ва эҳтиёжларини
доимий равишда ўзида акс эттириб, мавжуд
муаммоларни ҳар томонлама холисона ўрганиб,
жамоатчилик эътиборига ҳавола этиб боради.**

МУСТАҚИЛЛИК йилларидаги мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришда демократик андозаларни жорий этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, глобаллашув жараённабаб истеъмолга кириб келган кўплаб информацион технология воситалари ва улар ёрдамида ахборот алмашнивидаги тезкор ўзгаришлар 1997 йили қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ти қонунни қайта кўриб чиқишини талаб этди ва жорий йилнинг

радио ташкил этилганида мутахассислар, энди газета ўрнини радио эгаллайди, дейишиган бўлса, биринчи телевидение кашф этилганида, энди радио истеъмолдан чиқади, дей башпорат килишганди. Буни қарантаки, XXI асрда ҳар учала оммавий ахборот воситаларини ҳам ўзида музассам этган интернет кашф этилганида, ҳеч бир мутахассис газета, телевидение ва радионинг ўрнини интернет эгаллайди, дей башпорат килимади. Чунки вақт ҳар учала оммавий ахборот воситалари жа-

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-куватлаши ва ривожлантириши жамоат фонди 17-18 апрель кунлари пойтахтдаги «Бизнес-марказ»нинг мажлислар залида «Мамлакат ижтимоий ҳаётини ёритишида оммавий ахборот воситалари фаолиятини таомиллаштириши» мавзууда республика конференциясини ўтказади.

январь ойида мазкур қонун янги таҳрирда амалга киритилди. Бу қонун оммавий ахборот воситаларининг хуқуқ ва эркинликларини кафолатласа, хукумат кўмаги ва ташаббуси билан ташкил этилган бир қатор жамоат фонdlari оммавий ахборот воситаларини иктисолид жиҳатдан кўллаб-куватлаш келмоқда. Шулар жумласига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-куватлаши ва ривожлантириши жамоат фондини киритишимиз мумкин.

Босма нашр оммавий ахборот воситаларининг энг қадимий тури бўлса-да, ҳозир ҳам ўз ўрни ва сўзига эта. Илк бор

миятда ўз ўрнига эта эканини исботлаган эди.

Фаолият дастури босма оммавий ахборот воситаларини кўллаб-куватлашга йўналтирилган мазкур жамоат фонди 130 миллион сўмлик 40 дан ортиқ лойиҳаларга грандлар ажратди. Худудий журналист калларнинг касбий маҳоратини ошириш ва ёш журналистларни тайёрлаш мақсадида, «Андинжоннома», «Зарапшон», «Қашқадарё» газеталари таҳририятлари қошида маҳсус маҳорат марказлари ташкил этди. Шунингдек, «Жамият ва мен», «Менинг Конституциям» ҳамда таҳририятлар учун «Эътироф» кўриктанловини ўтказиб келмоқда.

Малзумки, давлатимиз раҳбари 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб ўзин қилини

ниши муносабати билан мазкур номдаги Давлат дастури тўғрисидаги қарори ҳам ўзин қилинди. Қарорда амалга оширилиши керак бўлган кўплас тадбирлар белгиланган. Оммавий ахборот воситалари ходимлари Давлат дастури доирасида амалга оширилиши кутилаётган тадбирларни доимий ёритиб боришини таъминлаш баробарида эзгулик ва меҳрибонлик мухитини мустаҳкамлашга қаратилган тарбибот ишларини ҳам олиб боришимокда. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириши жамоат фонди 17-18 апрель кунлари пойтахтдаги «Бизнес-марказ»нинг мажлислар залида «Мамлакат ижтимоий ҳаётини ёритишида оммавий ахборот воситалари фаолиятини таомиллаштириши» мавзууда республика конференциясини ўтказади. Унда инсон манбаётларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини таомиллаштириши — фуқаролик жамиятини шакллантиришустур. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириши жамоат фонди 17-18 апрель кунлари пойтахтдаги «Бизнес-марказ»нинг мажлислар залида «Мамлакат ижтимоий ҳаётини ёритишида оммавий ахборот воситалари фаолиятини таомиллаштириши» мавзууда республика конференциясини ўтказади.

**Мана иккинчи
йилдирки, 3 май —
Жаҳон матбуоти
эркинлиги куни
байрам сифатида
юртимизда ҳам
кенг ишионланиб,
Ўзбекистон**

**Журналистлари
ижодий ўюшмаси
Журналистларни**

**қайта тайёрлаш ҳалқаро маркази
билин ҳамкорликда миллий ва ҳалқаро**

**журналистиканинг энг юксак
ютуқларини кенг оммалаштириш,
оммавий ахборот воситалари
ходимлари ўз фуқаролик
позицияларини намоён этишлари учун
шароит яратиш, ижодий фаолиятга
яңгича ёндашувларни шакллантириш
мақсадида «Олтин қалам» Ҳалқаро
тапловини ўтказиб келмоқда.**

«ОЛТИН ҚАЛАМ»

**МУКОФОТИНАМЗОДЛАРНИНГ ИЖОДИЙ
ИШЛАРИ САРАЛАШ БОСҚИЧИДА**

ТАНЛОВ тартибига кўра, жорий йилда ҳам материалилар 10 апрелгача қабул қилинди. Шу муносабат билан яқинда Миллий матбуот марказида «Олтин қалам» миллий мукофоти ҳалқаро танлови ташкилий кўми-тасининг навбатдаги йигилиши бўлиб ўтди. Йигилиш аввалида ташкилий кўмита раиси Ўзбекистон Журналистлар ижодий ўюшмаси раиси Шерзод Гуломов ҳалқаро танловининг ўтказилиши билан боғиқ тайёргарлик ишлари ҳақида ахборот берди.

Маълумотларга қараганда, ҳалқаро танловни ўтказни борасида старли даражада амалий ишлар қилинган. Голибларга тоширилдиган кўрак нишони, статуэтканинг янги шакллари тайёрланган. Уни тантанали суръатда ўтказиш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ҳалқаро танловнинг якуловчи қисми — мукофотларни голибларга тошириш маросими 3 май — Ҳалқаро матбуот эркинлиги куни «Туркистон» саройида ўтказилади.

Жорий йилда ҳалқаро танлов 330 нафар муаллифдан турли жанрдаги 4500 та яқин ижодий иш келиб тушган. Номзодларнинг 230 нафари босма нашрлар, 62 нафари телевидение, 19 нафари радио, 6 нафари фотомухбири, 5 нафари карикатура соҳаси вакиллариди.

Шунингдек, танлов голибларига ўзин қилинган мукофотлардан ташқари, БМТ, Жаҳон баниси ва ЮНЕСКО каби ҳалқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ҳам ўз совваларни топширишини мътлум қилинди.

Ташкилий кўмита йигилишида ҳалқаро танловнинг нуғузли ижодкорлардан иборат ҳайъат аъзолари тасдиқланди.



АРХИТЕКТОР, БОШ РЕЖА, ЛОЙИХА...

шахарсозлик соҳасининг асосий устунлариидир

Ҳар қандай бунёдкорликинг аввали лойиҳадан бошланиб, қурилажак ишиоотнинг тархи меъморлар томонидан яратилади. Буни ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо бу касб-кор сирсиюти билан чукурроқ танишиши барча учун қизиқарли бўлса керак.

Шу мақсадда пойтахтнинг

Алишер Навоий кўчасида жойлашган «Ўзшаҳарсозлик» лойиҳа-иммий текшириш институтидаги бўлудик. Институтнинг бош режалар бўйимидаги ши, айниқса, қизғин экан.

Илҳом КАРОМОВ

МАЗКУР даргоҳда вилоятларимизнинг шаҳар ва туманлари бош режалари ишлаб чиқилади. Устоз шаҳарсозлардан Евгений Гогин билан сұхбатлашгач, лойиҳачиларнинг яратувчиликни доир иходий режалари ҳақидаги фикрим тиннилашди. «Агар меъморлар ишини чукурроқ ўрганмоқчи бўлсангиз, Тоир Қосимов билан танишинг. У ўз касбининг моҳир билимдонларидан хисобланади», — деди у.

Тоир ака мени кўриши билан сим орқали сұхбатини қиска қилди:

— Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади, аммо режа асосида лойиҳалаштиради. Ҳозирча омон бўлинг! — У гўшакни кўр экан, шаҳарсозлик ишлари бўйича Навоий вилоятига масъул ходимга юзланди: «Билиб кўйинг, курилиш лойиҳадан четга чиқмаслиги керак. Навоий шаҳарсозлик бош режаси Вазирлар Мажкамаси томонидан тасдиқланди. Уша қарорда кўрсатилган бандарларнинг ижроси юзасидан, аввало, келишиб оламиш. Кейин эса Навоийга жўнайсиз...»

ИЛК КАДАМ


1961 йил. Ўшанда Тоир 14 ёшда, юрагида бир олам орзулар. Отаси ҳам, ўқитувчilари ҳам уни доим имли бўлишга, хунар ўрганишга даъват этишарди: «Мехнат қилган элда азиз», «Илим — баҳтнинг қалити», «хунардан унар зар»... Булавар Тоирнинг бугун фикру хаёлини забт этган, уни иходий уфқлар сари чорларди ...

«Энди хунар ўрганишим керак. Шунда барча орзуимга эришаман...» Тоир ана шу хаёллар измида шаҳардаги ўқувчilar саройига келди...

— Меъмор-ганҷкор бўлмоқчимисан, ўглим, — деди тўғарак раҳбари унга синчков назар ташлар экан. — Хаёлни бир нуқтага жамлаб, сабокларни диққат билан тинглассанг, ўргансанг, сендан яхши уста чиқади. Айтгандаримга амал қилсанг, кам бўлмайсан.

Шундай бўлди. Тоир бир-икки йилда устоз ишончини оқлади. Вуҷудида иходий иштиёқ ва интилиш камол топди. Ўз устида ишлади ва изланди.

— Ишончимни оқладинг, устоз сифатида сендан розиман, — деди уста бир куни Тоирни хузурига чакириб. — Энди сен олий ўкув юр-



15 йил олдин Ўзбекистонда бўлган хорижлик бугун мамлакатимизга ташриф буюрса, шарқона меъморий обидаларга, замонавий биноларга кўзи тушиб, пойтахтимизни таний олмай қолади.

тига ўқишига киришга ҳаракат кил, келгусида сендан зўр архитектор чиқишига ишонаман...

Устознинг дуога кўл очиб айтганини ижобат бўлди. Яхши ниятлар ушади.

Бизнинг изоҳ:

1961 йил Тоир Қосимов Тошкентдаги ўқувчilar саройига — Ўзбекистон ҳалқ устаси, давлат мукофоти лауреати Маҳмуд Усмонов устозлиг қилаётгандаги ганҷкорлик тўғрагига қатнига бошлади. 1966 йилги Тошкент зилзиласи оқибатларни бартараф этиши, шикаст етган бир қочча маъмурий, маданий ва машний биноларни таъмирлашда уста бошчиларига Тоир Қосимов ҳам иштирок этди.

СУҲБАТ

— СИЗИНГЧА, кечаги кун меъморчилиги қандай ахволда эди? Соҳанинг бугунги ва эртаниги кунини қандай тасаввур эта-

сиз?

— Кечаги замон, шу жумладан, унинг курилишлари қанақа бўлганини хаммамизга маълум. Яъни шаклан миллий, мазмунан социалистик тамоилларга амал қилинади. Шу боис, табиий шароити ва иклимидан қатъий назар, бир-бирига ўшаб кетадиган, деярли бир хил шаҳарлар куришиши одат тусига кириб колганди. Агар кўрган бўлсангиз, ўша замонларда суратга олинган «Тақдир ҳазили ёки қушдай енгил бўлинг» фильмидаги ана шу анъана устидан кулинади...

Энди бугунги шаҳарсозликка келсақ, 15 йил ичидаги асрга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 15 йил олдин Ўзбекистонда бўлган хорижлик бугун мамлакатимизга обидаларга, замонавий биноларга кўзи тушиб, уни таний олмай қолади. Қисқа муддат ичидаги бемисл курилиш ишлари амалга оширилди. Бу билан фахрлансак арзиди. Мен факат пойтахтдаги курилишларни эмас, мамлакатимиз миқёсида барпо этилаётган улкан бунёдкорлик ишларини ҳам назарда туатяпман. Тошкент, Термиз, Марғилон, Андикон, Фарғона, Қарши ва бошқа шаҳарларимизда олиб борилган ободончилик манзараларини кўриб кўзингиз кувонади. Бу гапни самимиган тарзда, соҳадаги ишларни мутахассис сифатида яхши билганим учун айтаяпман. Аммо байззи жойларда ўзбошимчалик билан, режасиз ёки режага зид барпо этилган курилишлар ҳам бор. Энди бундай ўзибўларчиликка йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Президенти имзо билан 2002 йили Шаҳарсозлик кодекси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда соҳадаги асосий ривожланиши йўналишлари белгилаб қўйилган. Умуман олганда, архитекторлар бош режа асосида лойиҳа яратиш асосида ўша жойдаги ҳудудий-табиий мутаносибликни, шунга яраташа коммуникация ва мухандислик инфратузилмаларини хисобга олиши зарур. Бу талаб мамлакат раҳ-

барининг «Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорида ҳам ўз аксини топган. Қарор ижросини таъминлаш борасида бош режалар бўлими зиммасига катта масъулият юқулган. Шунга асосан 100 та шаҳар, шаҳарчалар ва аҳоли яшаш пунктларининг бош режаси ишлаб чиқулиб, унинг ижроси амалга оширилаёт. Мен сизга бир неча мисоллар келтиришим мумкин...

Бизнинг изоҳ:

Самарқанд шаҳридаги бизнес маркази, Андикон шаҳри ва Галлаорол туманидаги маҳсус спорт коллежи бинолари, қатор шаҳарларнинг янги ишоотлари лойиҳалари Тоир Қосимов ва унинг ҳаммасблари томонидан ишлаб чиқилган. Тоир ака булаҳнинг ҳар бирини тилга олганида, гурулланиб кетди. У хизмат юзасидан Москва, Берлин, Бонн ва Прага каби шаҳарларда бўлган. Бу шаҳарлардаги замонавий курилишларни юртимиздаги бунёдкорлик манзаралари билан таққослаб, ютуқларимиздан ифтиҳор туйган.

— Шаҳарсозлик дегани фақат шаҳар ҳудудларига хос тушунчами?

— Эҳтимол қадимда шаҳарсозликка оид иммий қарашлар, хисобкитоблар бўлмагандир. Лекин Шарқ меъморчилиги асл киёфасида эга бўлган. Бугун бу янги мазмун ва моҳият билан бойиб бормоқда.

Шаҳарсозлигни фақат шаҳаргагина мансуб ҳодиса эмас. Дейлик, қайси бир чўл ҳудудида биттагина кўпприк курилган бўлса ҳам шаҳарсозликка даҳлор. Демак, шаҳарсозлик деган тушунчани миқёси, кўлами кенг. Шаҳар ё туман дараҷасидаги ҳудудларнинг янги шаҳарсозлик қоидалари асосида обод этилишида гап кўп. Мухтасар кильгандага бош режаси бор юртнинг, шаҳарнинг келажак порлок! Хали кўрасиз, эртаклардагидек гўзал, фусункор бинолар қад ростлайди мамлакатимизда. Бунга Тошкент, Самарқанд, Қарши, Термиз, Марғилон ва бошқа кўплаб шаҳарларимизнинг бугунги ёрқин киёфаси далолат эмасми?!

Хурматли таҳририят!

Мен ўқувчиман, бу йил мактабни битириб, олий ўқув юртларида таҳсил олишини ният қилган минглаб ўсмирларнинг бириман. Аввало, мактубим бошидаётк Истиқолимиз 15 йиллиги арафасида чиқа бошлаган "Жамият" газетасини қизиқиши билан ўқиб бораётганини айтмоқчиман.

Махзунна ҲАСАНОВА,


Тошкент шаҳридаги 307-мактабининг 11-синф ўқувчиши

МАМЛАКАТИМIZ раҳбариятиниң биз ўшларининг порлоқ келажаги учун катта ғамхўрлик қилаётганини ҳар қадамда хис этиб турибиз. Янгидан курилиб барча шароитлар яратилган, компъютерлашган, муҳташам спорт заллари ва иншоотлари билан таъминланган замонавий мактаб, лицеев ва коллежларда таҳсил олаётганимиз — бу бизнинг баҳтизим ва шоддигимиздир. Истиқол фарзандларининг сабоқ олиши, соғлом ўсиб-улғайши, имл ва спорт соҳасида ўз искеъодларини намоён этиши, Ватанимиз ва хориждаги нуфузли ўқув масканларида таҳсил олиши учун яратилган шароитлардан, «Умид ниҳояллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» каби беллашувлар мунтазам ўтказиштадан ишонувоний бўладими?

Халқ таълименинг барча тизимлари учун янги дастурлар асосида дарслик ва ўқув кўлланмалари яратиш мақсадларига хукуматимиз жуда катта

"ҲАПАЛАК"НИ КИМ ЁЗГАН?

ёхуд мактаб дарслекларидағи айрим чалкашиклар хусусида



маблиялар сарфлаётганидан ҳам хабардормиз. Ушбу дарслеклардан биз ўқувчилик жиддий сабоқ ва пухта билим олишимиз йўлида ҳозира батзи муаммолар учраб турганини ҳам назаримда рўй-рост айтсан бўлади, деб ўйлайман.

Дастлаб 2006 йили 9-синф ўқувчи-

лари учун «Ўзбекистон» нашириётида чоп этилган «Ўзбекистон тарихи» китобини кўздан кечирайлик. Унда баён этилган кўпгина маълумотларни бошқа китоблардаги шундай маълумотлар билан

киёслаган ҳолда муаллифлар бир жойда айтган фикрни иккичи ва учинчи жойда бутунлай бошқача талқин этганини кўриб роса ажабланасиз.

Китобнинг «XIX аср охири ва XX аср бошлирада архитектура ва санъатнинг ривожланиши» майдусидаги «Театр санъати» (147-148 беллар) бобида «Туркестондаги биринчи ўзбек ҳаваскорлар театр труппаси 1913 йилда М. Беҳбудий раҳбарлигидан Самарқандда тузили», деб қайд этилганда ҳамда 148-бет юкорисидаги сурат тагига «Биринчи ўзбек театр труппаси», деб ёзилган ҳолда шу саҳифанинг куисида — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳақида берилган маълумотда: «1911 йилда Қўйонда Ҳамза раҳбарлигидан ҳаваскорлар театр ташкил этилди (яъни Беҳбудийдан иккى йил аввал — М.Х.) ва унде биринчи марта Ҳамзанинг «Захарланган ҳаёт» спектакли намойши этилди», дейилган. Дарслек муаллифлари шу ўринда бироз янглишиб кетибдилар, деб ўйласантиз, 155-бетга келиб бундан да ажабланарлироқ маълумотга дуч келасиз. Яъни: «Яқунларни чиқармиз» деган холосада: «1915 йил — Қўйонда дастлабки театр ташкил этилди (Ҳамза), деб ҳам ёзилган.

Кўярпизмиз, дарслек муаллифлари бир мавзууда бир-бирини инкор этувчи уч хил фикрни баён этишмоқда. Уларнинг кайси бирита ишониш керак? Қолаверса, Ҳамзанинг 1915 йилдан фаолият кўрсата бошлаган Қўйон

ТАҲРИРИЯТДАН:

Махзунна Ҳасанованинг таҳририятимизга ўйлаган ушбу мактубини чоп этишга шошилмадик. Унинг синчков ётдашувларни ижобий баҳолаб, айни пайтайди Халқ таълими вазирлиги мутасадилари, тегишили соҳа мутахассислари ва дарслек муаллифаарининг шу хусусдаги фикрларини ҳам ўрганишга хараткат қилдик. Эътиборингизга ҳавола этилаётган фикр-мулоҳазалар самарали ҳамкорликка йўл очиб, дарслекларимизнинг келгусида янада тақомиллашувига кўмаклашади, деб ишонамиз.

ҲАТОЛАРНИ ТУЗАТИБ ЎҚИЙМИЗ

Дарслеклар ва ўқув кўлланмалари чоп этиши миллият тафаккурини шакллантириши ва юксалтиришига дахлдор муҳим вазифа. Улуглар ҳар тўқисда бир ҳатолик ҳам бўлиши мумкин, деганларидек, зиё ва илм-маърифат ҳазинаси бўлган китобларни чоп этиши жараённида ҳатоликлар учраб туришини ҳам табиши деб қабул қилиш лозим. Бироқ ҳатоларни тузатиб ўқиши ўйлидаги бепарвонлик эса кечирилмас ҳато бўлиб қолади. Бизга ҳатонинг ўзи эмас, сабоги муҳим бўлмоги керак.

Мансурхон ТОИРОВ,
физика-математика фанлари доктори,
профессор

ШУ муносабат билан айрим китобларда йўл кўйилган ҳатолар тўғрисидаги кузатишларимни дастлаб ўз мутахассисларига доир бაъзи китоблардан бошмакомиман. Ўрта мактабларнинг 6-синф ўқувчилари учун мўлжалланган «Физика» дарслиги (муаллифи Н.Ш.Турдиев, Тошкент, 2004 йил) нинг 14-саҳифасида «Молекула может состоять из одного или нескольких атомов», деб молекула мутлақо нотуғри таътиф берилган. Ҳолбуки, молекулаларда атомлар сони иккитадан тортиб бир неча мингчага этиши мумкин.

Мазкур китобнинг 38-саҳифасидаги: «Плотность называется количеством вещества,

приходящееся на единицу массы» тарзида зичликка берилган таътиф ҳам ҳатодир. Чунки физика фаниди «Ўзбекистон тарихи» китобини кўздан кечирайлик. Унда баён этилган кўпгина маълумотларни бошқа китоблардаги шундай маълумотлар билан

анча йиллар мукаддам «Фан» нашириёти «Ўзбек тили грамматики», II том, Синтаксис китобини ўз ўқув юртлари учун дарслек сифатида чиқарган эди. Шу китоб ҳозир ҳам уқитилади. Унинг 365-саҳифасида Ойбек домла каламига мансуб:

Бир ўлқаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлқаки, кишларида шивирлар баҳор
мисраларига муаллиф сифатида қавс ичиди Ҳамид Олимжон номи берилган. Мен бу ўринда, ўша китобни ёзган таникли олимлар ва чоп этган нашириётни танқид қўймоқни эмасман. Гап шундаки, бундай ҳатолар аслида умуман бўлмаслиги учун ҳаракат қилишимиз, бордию шундай ҳато ўтиб кетган тақдирда ҳам ундан матбуот орқали кўпчиликни хабардор этиб, бошқаларни ўша ҳатони тўғрилаб ўқиши даъват этиши ишоний маданиятишимизни белгиловчи мезонлардан бирига айланishi зарур.

Шу муносабат билан, агар матбуот нашрларимиздан бирортасида, хусусан, бу муаммони улар орасида биринчилардан бўлиб кўтариб чиқаётган «Жамият» газетаси саҳифасида «Ҳатоларни тузатиб ўқииймиз», деган янги руҳ очиска ва таҳририят ташаббус кўрсатиб, шу ҳатоликка йўл кўйган муаллиф ёки нашириётга мурожат қилиб, унинг тузатиб шаклини ҳам аниқлаган ҳолда эълон қиласа, нур устига нур бўларди.

Биз илмли юртнинг келажаги буюклигига кун сайин кўпроқ амин бўлмоқдамиз. Куни кечакиёслаган ҳолда муаллифлар бир жойда айтган фикрни иккичи ва учинчи жойда бутунлай бошқача талқин этганини кўриб роса ажабланасиз.

Интернет ҳалқаро тармоғи орқали тарқатилган «Дунё ҳаритаси» рўйхатидаги мамлакатимиз ахолисининг саводхонлик даражаси 99 фоиздан ошилиги эътироф этилганда ҳам шундан далолатидир.

Айни чоғда, иқтидорли фарзандларимизга янада кенг йўл очиб берисимиз учун юкоридаги каби жузий ҳатоликларни ўз вақтида бартараф этиб бормогимиз зарур. Чоп этилаётган айрим дарслек ва ўқув кўлланмаларимиздаги ҳатолар ундан сабоқ олганларни шунчаки янглишириб ёки саводхонлигига таъсир кўрсатибни қолмай, ўқув юртларига энг искеъодли ўшларни танлаб олиши мурakkabлаштиради.

Негаки, у ёки бу абдитириентнинг давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилинишини тўплантан балларнинг юз ёки мингдан бир улуши даражасидаги фарқ ҳам ўз ёқлиқ, ё бу ёқлиқ қила олади. Кўп ҳолларда эса абдитириентнинг олий ўқув юртида умуман ўқиш ёки ўқимаслиги ҳам у тўплаган баллардаги мана шундай фарқларга боғлик бўлиб қолади.

Шундай экан, дарслекларни қайта нашр этишда бу ҳатоларни бартараф этибигина колмай, янги дарслеклар тайёрлашга ҳам замон талабидан келиб чиқкан ҳолда янада масъулият билан ёндашмогимиз керак.

Бу бизнинг келажак авлод олдидағи мукаддас бурчимиздир.

театр труппаси учун ёзган «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» драмасининг номи ҳам дарслеридан «Заҳарланган ҳаёт» тарзида нотўри берилган.

Мұхтарам дарслер ҳөвчи ва уни нашрига тайёрловчи устозлар! Бу мисолларни дилим оғриганидан ёдим. Балки бу хатолар, чалкаликларга сизнинг алоқангиз шўйдир. Илм «Инга билан кудук қазигандан» оғир, мураккаб эканлигини биламан ва сизларга таъзим қиласман.

Шоир Махмур қаламига мансуб махсүр «Ҳапалак» шеъри дарслеридан 149-бетида Муқимиға нисбат берилган. Муаллифларнинг бундай «кашфиёт»ларидан ҳазрат Навоий боғомиз ҳам бенасири қолмагандар. Китобнинг 153-бетида Тошкентдаги Ҳусанбоев босмахонаси ҳақида сўз юритилиб: «...1893 йилда мумтоз жандаги шеърлар тўплами «Девони Навоий» чон этилди», - дейилган. Шу саҳифанинг ўзида берилган «Девони Навоий»нинг биринчи саҳифаси расми тагида эса сана — 1888 йил деб қайд қилинган. Шунингдек, дарслеридан 11-бетида айтилган гаплар 103-бетдаги тақлиниларга ҳам тўғри келмасдан ўкувчини янгишишида.

Бундай хато ва чалкаликлар фагат Г.А. Ҳидоятов ва А.Б. Костескийларнинг 9-синиф «Тарих» дарслеригида эмас, бошқа ўкув кўлланмаларида ҳам ошиб-тошиб ётиди. Масалан, 6-синифлар учун 2004 ва 2005 йилларда «Шарқ» наширёт-матбаба акциядорлик компанияси бош таҳририятида чон қилинган «Тарих» дарслеридан олиб кўрайлил. 2005 йилти нашри матнида Буюк юнон колониялаштириши даври милоддан аввали VII асрдан то VI асрчага давом этгани (101-бет) айтилган бўлса, шу нашрнинг ёдда тутиш учун берилган хронологиясида бу давр III — VI асрлар (102-бет) деб кўрсатилган. 2004 йилти нашрида зиззила сабабли олимпиада ўйинлари қолдирилган вақт милодий 394 йил деб кўрсатилган бўлса (101-бет), 2005 йилти нашрда милоддан аввали 394 йил (116-бет) деб берилган.

Шу дарслеридан 2004 йилти нашрида Миср тарихи учга бўлинган ҳолда баён этилган. 2005 йилти нашрда эса Миср тарихи бешга бўлинган ҳолда берилган. Мисрине Қанбис томонидан босиб олинини бу китобларнинг бирорида (2004 йилгисида) милоддан аввали 526 йил (33-бет) деб ёзилган бўлса, иккинчисида (2005 йилгисида) 525 йил (39-бет) деб кўрсатилган. Милоддан аввали 1500-йиллар атрофида катта юришларни ташкил этган ҳукмдор ҳақида сўз боргандা 2004 йилги нашрида у Тутмос деб ёзилган бўлса (33-бет), 2005 йилги нашрда Тутмос II (38-бет) деб берилган. Худди шу нашрда Бобилинг зонликлар томонидан босиб олинини бир жайдаги матнда милоддан аввали 539 йил (57-бет) сифатида берилган бўлса, китоб сўнгидаги хронологик жадвалда 538 йил (59-бет) деб кўрсатилган. Финикия алфавити 2004 йилти нашрда 22 ундоши ҳарфдан иборат (55-бет) дейилган бўлса, 2005 йилти нашрда 22 ундоши ҳарф деб (63-бет) кўрсатилган.

Ҳар иккакитобда хатолар кўплиги боис уларни бир-бираидан ажратиш учун «биринчи» ва «иккинчи» китобдаги фарқларни ҳолда фикримизни давом этишимиз. 2004 йилти чон этилган биринчи китобда Хитойдаги Ҳансулоласи даври милоддан аввали 206 йилда бошланган ва милоддан аввали

220 йили туға-
ган, деб кўрсатилган
(70-бет). Демак сулола ўз тарихини бошламасданок тутгатсан эканда, ахир милоддан аввали давр саналари юқоридан пастча қараф ҳисобланмайдими?

